

Гидрометеорология хизматини ривожлантириш масалалари мухокама қилинди



Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда гидрометеорология хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар мухокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Гидрометеорология хизмати қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, экология каби бир қанча соҳалар учун жуда муҳим. Лекин йиллар давомида эътибор берилмагани оқибатида Ўзбекистонда бу йўналиш замондан орқада қолиб кетган. Аэрологик кузатув 1995 йилдан буён ўтказилмайди. Бу эса об-ҳаво ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилигини пасайтиради. Халқаро стандарт бўйича қаралса, юртимиз худудида 4 мингта станция бўлиши зарур, амалда эса 335 та бор, холос.

Гидрометеорология хизмати марказининг моддий-техник базаси эскирган, иқтисодий рентабеллиги хам паст. Хусусан, марказ ўтган 9 ойдаги харажатларнинг атиги 6 фоизини ўз даромадидан қоплаган.

– Гидрометеорология хавфсизлигимизни таъминлайдиган муҳим соҳалардан бири. Бугун энг асосий вазифа – тизимда хизмат сифатини ўзгартириш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда соҳада хизмат кўрсатишни босқичма-босқич тижоратлаштириш юзасидан тақдимот ўтказилди.

Бугунги кунда метеорологик маълумотлар 35 та идорага, жумладан, 20 га яқин тижорат ташкилотига бепул берилмоқда. Хизмат нархлари харажатга нисбатан кам бўлиб, 15 йилдан буён кўриб чиқилмаган.

Давлатимиз раҳбари ушбу нархларни қайта кўриб чиқиши ва пулли хизматлар қамровини кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Бу борада фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Масалан, келгуси йили давлат-хусусий шериклик асосида Кармана ва Нуробод туманларида биттадан қўёш электр станцияси, 2022 йилда учта қўёш ва битта шамол электр станцияси барпо этилади. Уларда ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштириш учун метеорология хизматларига зарурат бор.

Шунингдек, об-ҳавони прогноз қилувчи интернет платформалар, кластерлар ва хорижий илмий муассасаларга пулли хизматлар кўрсатиш мумкин.

Гидрометеорология марказида 100 йиллик маълумотлар сақланмоқда. Улар қоғоз шаклида бўлиб, 18 миллион варагдан иборат. Ушбу маълумотларни тўлиқ рақамлаштириш вазифаси кўйилди.

Йигилишда метеорология хизматининг моддий-техник таъминотидаги камчиликлар атрофлича кўриб чиқилди. Қайд этилишича, 70 та станциянинг атиги 14 таси автоматлашган. Об-ҳаво прогнози ўн йил олдинги дастурий маҳсулотлар асосида тайёрланмоқда. Оқибатда об-ҳаво ва табиий оғатлар ҳақидаги маълумотлар кечикмоқда. Тошкент, Самарқанд ва Нукусдаги 3 та метеорологик локатор маълумотлари етарли бўлмаяпти.

Шу боис келгуси йилларда Бухоро, Навоий, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида локаторлар ўрнатиш, барча станцияларни автоматлаштириш, янги станция ва постлар қуриш бўйича топшириқлар берилди. Булар натижасида метеорология хизматининг сифати ва тезлиги анча ошади.

Ўзгидромет Жаҳон метеорология ташкилотининг минтақавий маркази ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари бу мақомни сақлаб қолиши муҳимлигини таъкидлаб, 2022 йилда Самарқандда захира маълумотларни йигиши, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича минтақавий хаб ташкил қилишга кўрсатма берди.

Метеорология маълумотлари қишлоқ хўжалигида самарадорликни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири. Чет элда аграр соҳадаги корхоналар учун ўсимлик намлиги, ёмғир миқдори, чуқурлиқдаги тупроқ ҳароратини аниқлаш қаби 20 дан ортиқ хизмат кўрсатилади. Юртимизда бундай хизматлар атиги 9 хилдан иборат. Агрометеорологик хизматлар 96 та станция ва постда олиб борилаётгани, уларнинг сони сўнгги 10 йилда атиги 5 тага кўпайгани сабабли прогнознинг ишончлилиги 80-85 фоиздан ортмайди.

Гидрометеорология хизмати марказига келгуси йилда ҳар бир вилоятда қўшимча агрометеорология постлари ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг гранти доирасида Жиззах ва Қашқадарёда агрометеорологик станция хамда ўлчов воситалари ўрнатиб, хизматлар сонини 14 тага етказиш, кейинчалик буни барча ҳудудларда жорий этиш муҳимлиги таъкидланди. Фермер хўжалиги ва кластерларга онлайн хизмат кўрсатадиган дастурий таъминот ишлаб чиқиши вазифаси кўйилди.

Соҳада илм-фанни ривожлантириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси ўқув йилидан Ўзбекистон Миллий университетида гидрометеорология факультети ташкил этиш, Тошкент гидрометеорология техникумida замонавий ўрта бўғин мутахассислари тайёрлаш ва малакасини ошириш зарурлиги айтилди.

Соҳа ходимларининг ойлик маошини ошириш ва узоқ муддатли хизмат учун устама тўлаш

тизимини жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

president.uz